

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЖУРАЕВА НОДИРА ТУХТАПУЛАТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИДА КАМ УЧРАЙДИГАН
КОАГУЛОПАТИЯЛАР БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
КАСАЛЛИКНИНГ УЧРАШ СОНИ ВА ЛАБОРАТОР АҲАМИЯТИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation

Жураева Нодира Тухтапулатовна

Ўзбекистон Республикасида кам учрайдиган коагулопатиялар
билан оғриган беморларда касалликнинг учраш
частотаси ва лаборатор аҳамияти..... 3

Жураева Нодира Тухтапулатовна

Частота встречаемости и лабораторные особенности
редких коагулопатий у больных в Республике Узбекистан..... 25

Juraeva Nodira Tukhtapulatovna

Frequency of occurrence and laboratory characteristics of
rare coagulopathies in patients in the Republic of Uzbekistan..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЖУРАЕВА НОДИРА ТУХТАПУЛАТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИДА КАМ УЧРАЙДИГАН
КОАГУЛОПАТИЯЛАР БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
КАСАЛЛИКНИНГ УЧРАШ СОНИ ВА ЛАБОРАТОР АҲАМИЯТИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1767 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудова Азиза Джумановна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Сулейманова Дилора Нагаловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Маматов Сагинали Мурзаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел.: +998-78 150-78-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.А. Бабаджанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ирсий кам учрайдиган коагулопатиялар сифат ёки миқдорий омиллар етишмовчилигининг гетероген гуруҳига мансуб бўлиб, улар орасида фибриноген, II, V, VII, VIII, IX, X, XI, XIII омиллар, Виллебранд омилли, FV+FVIII комбинацияланган омиллар ва К витаминига боғлиқ омиллар комбинацияси етишмовчилиги мавжуд. Энг кўп учрайдиган коагулопатиялар VIII, IX ва Виллебранд касаллигидир. Нисбатан кам учрайдиган коагулопатиялар (КУК), I, II, V, VII, X, XI, XII, XIII етишмовчиликлари, шунингдек, комбинацияланган етишмовчилигини ўз ичига олиб, тахминан 3-5% ни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда қон тизимининг ирсий, айниқса моноген касалликлари нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо бўлиб, болалар ва катталарнинг касалланиши, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда энг кенг тарқалган геморрагик касалликлар Гемофилия ва Виллебранд касаллиги бўлиб, улар учун узок вақт давомида профилактика ва терапия, периператив ва перинатал ёрдам кўрсатиш мезонлари ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда АҚШ ва Европа мамлакатларида ушбу коагулопатияларни даволашнинг янги замонавий усули "Ген терапияси" қўлланилмоқда. Клиник тадқиқотлар қон кетишини камайтириш ҳамда инфузиядан кейин камида беш-саккиз йил давомида гемостатик даволанишни қўлламасликни ва ген терапиясининг самарадорлигини аниқлади. Бироқ нисбатан кам учрайдиган (I, II, V, VII, X, XI, XII, XIII) коагулопатияларни эрта ташҳиси ва профилактикаси бутун дунё бўйича долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Уларни ривожланишини олдини олишга қаратилган комплекс текшириш усуллари ҳамда даволаш чораларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан турли касалликларни эрта ташҳислаш, даволаш ва олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, жумладан «... бирламчи тиббий ёрдам хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹, каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда кам учрайдиган коагулопатияларни аҳамиятини ва эрта ташҳислашни баҳолаш, ташҳислаш усуллари такомиллаштириш, ҳамда олдини олиш борасида илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Мазкур диссертация тадқиқот иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январидagi “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг стратегияси тўғрисида” ги ПФ №60-сонли Фармони, 2021 йил 25 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлашни мажмуавий ривожлантириш бўйича кўшимча чора -тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5124 сонли, 2020 йил 12 ноябридаги “Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини келгусида ошириш йўли билан жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4891 сонли қарорлари, шунингдек ушбу соҳага мос келувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кам учрайдиган коагулопатияларнинг наشر этилган тавсифлари тарихан яқин вақтгача вазиятни назорат қилиш тадқиқотлари ёки кичик когорт тадқиқотларидан иборат эди. Бироқ, сўнгги 10 йил ичида кам учрайдиган коагулопатияларнинг бир нечта махсус регистрлари пайдо бўлди (Европадаги кам учрайдиган коагулопатиялар касалликлари тармоғи, Пейванди ва бошқалар, 2018; Шимолий Американинг кам учрайдиган коагулопатиялар регистри, Acharya ва бошқалар, кам учрайдиган коагулопатияларнинг клинко-диагностик мезонлари, 2019; кам учрайдиган коагулопатиялар -регистрлари, Herrmann ва бошқалар, «II, VII, X омиллар етишмовчилиги» услубий қўлланмаси, 2017, 2020; Ivaskevicius ва бошқалар, XIII омил етишмовчилиги профилактикаси, 2017; Бернарди ва бошқалар, 2018; V омил етишмовчилиги профилактикаси, Яковлева 2019;), бу изланишлар бизга кам учрайдиган коагулопатиялар ҳақида тушунчаларимизни мукаммаллаштиришга имкон берди. Халқаро маълумотлар базасини яратиш 2016 йилда Халқаро Тромбоз ва Гемостаз Жамияти (ISTH) ҳомийлигида ишлаб чиқилган кўпчилик кам учрайдиган коагулопатиялар оғирлигининг монанд лаборатория мезонларини аниқлашга ёрдам берди. Ушбу патологиянинг кам учраганлиги сабабли, бутун дунё бўйлаб рандомизацияланган назорат остида клиник тадқиқотлар ўтказилмаган.

Республикада нисбатан кам учрайдиган коагулопатиялар (I, II, V, VII, X, XI, XII, XIII)нинг тарқалганлиги, хусусиятлари ва турлари ўрганилмаган. Ўзбекистонда А.Д. Махмудова раҳбарлигида асосан гемофилияларнинг ташҳиси, даволаш тадбирлари, профилактикаси, диспансеризация дастури ишлаб чиқилган. А.Д. Махмудова «Ўзбекистонда гемофилияга чалинган беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг ягона дастурини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ушбу диссертацияда гемофилияга чалинган беморларга замонавий ташҳис қўйиш, даволаш ва уларга ихтисослаштирилган амбулатор ва стационар ёрдамни ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Қ.Т.Бобоев томонидан «Ўзбекистон Республикасида Гемофилия А ва В нинг молекуляр-генетик таҳлили» мавзусида номзодлик диссертацияси химоя қилинган. Қ.Т.Бобоев Гемофилия А ва В нинг молекуляр-генетик таҳлилини кенг қамровда ўрганиб, ушбу нозологияларни аҳолининг қайси популяцияларида кўпроқ учраши ва бунинг сабабларини генетик жиҳатдан тарифлаб берган.

Шу муносабат билан, Гемофилия А ва В дан (VIII ва IX омиллар етишмовчилиги) ташқари, нисбатан кам учрайдиган коагулопатиялар - I, II, V, VII, X, XI, XII, XIII омиллар етишмовчилигини бугунги кунда тўлиқ ўрганилмаган патологиялар деб ҳисоблаш мумкин ва ушбу нозологияларни ривожланиши механизмларини чуқурроқ ўрганишга, диагностика ва даволашнинг янги, замонавий усулларини излашга, мавжуд усулларни такомиллаштиришга эътибор қаратилиши муҳимдир.

Юқоридагилар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги кунда кам учрайдиган коагулопатияларнинг турларини аниқлаш, табиатини ўрганишга имкон берувчи, юқори технологик усуллардан кенг фойдаланиш уларни эрта ташхислашга ва асоратларини олдини олишда энг муҳим ҳамда истиқболли ёндошув тўғри бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқот ишини у бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказида “Ирсий геморрагик диатезлар билан оғриган беморларда касалликнинг асорати-бириктирувчи тўқима дисплазияси профилактикаси ва даволаш самарадорлиги ва мажмуавий ташхислаш дастурини ишлаб чиқиш” № АДСС-15.14.3 мавзусидаги амалий гранти доирасида бажарилган (2016-2020 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади ирсий коагулопатия ва қон ивиш тизимининг кам учрайдиган касалликлари ривожланишида коагуляцион омилларнинг таъсирини ўрганиш асосида уларни эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш, ҳамда кечишини башорат қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кам учрайдиган коагулопатияларнинг асосий турлари ва уларнинг ривожланиш хавфи бўлган шахсларни аниқлаш учун сўровнома ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда кам учрайдиган коагулопатиялар билан оғриган беморлар кўламини аниқлаш;

кам учрайдиган коагулопатия билан оғриган беморларда қон ивиши омилларини етишмовчилигининг турига қараб анамнестик хусусиятлар ва клиник кўринишларнинг оғирлигини таҳлил қилиш;

лаборатория текширувлари ва анкеталарни қайта ишлаш натижалари асосида кам учрайдиган коагулопатиялар турини текшириш учун лаборатория скрининг технологиясини ишлаб чиқиш. Касалликнинг ташхислаш усулларини такомиллаштириш, даволаш ва прогностик мезонларини аниқлаш;

Тадқиқот объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида диспансер назоратида турган ирсий коагулопатиялар ва қон тизимининг моноген патологиялари билан оғриган 107 бемор (асосий гуруҳ) ва марказга мурожаат қилган геморрагик синдром мавжуд бўлган, лекин гемостаз тизими ва қон ивиш омилларида ўзгариш бўлмаган 20 нафар амалий соғлом шахслар (назорат гуруҳи) танлаб олинган.

Тадқиқот предмети сифатида кам учрайдиган коагулопатия билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва даволашда умумий, коагулологик скрининг тадқиқотлар ва дефицит омилларни (I, II, V, VII, VIII, IX, X, XI, XII, XIII, комбинациялашган омиллар етишмовчилиги, V+VIII), ҳамда орттирилган коагулопатияларни аниқлаш учун веноз қон зардоблари намуналаридан олинган.

Текшириш усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга ошириш учун умумий клиник, гемостазиологик, биокимёвий, ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида биринчи марта кам учрайдиган коагулопатиялар: I, II, V, VII, X, XI, XII, XIII омиллар етишмовчилигида ушбу тоифадаги беморларни эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилиши касалликларни асоратларини олдини олиши ва ўлим кўрсаткичларининг камайтиришига асосланган;

кенг қамровли гемостазиологик таҳлиллар кам учрайдиган коагулопатиялар билан оғриган беморларда қон ивишини таъминловчи омиллар етишмовчилигининг тури ва оғирлигига қараб (I, II, V, VII, VIII, IX, X, XI, XII, XIII, комбинациялашган омиллар етишмовчилиги, парагемофилия, витамин К га алоқадор омиллар етишмовчилиги) касалликнинг тарқалиши асосланган;

кам учрайдиган коагулопатиялар билан оғриган беморларда қон ивишини таъминловчи омилларнинг сифатий ёки миқдорий етишмовчилиги ва коагулопатия ривожланиши ўртасидаги ассоциатив боғлиқлик аниқланган;

кам учрайдиган коагулопатиялар билан оғриган беморларда клиник, лаборатор ва гемостазиологик кўрсаткичларни таҳлили асосида касалликларнинг ривожланиши ва кечишининг ташхисий ҳамда прогностик мезонларига асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анамнезида геморрагик ҳолатлар кузатилган беморлар учун сўровнома ишлаб чиқилган. Сўровнома натижаларидан қатъий назар, когулограммасида ўзгаришлар бор беморларнинг қон ивиш омиллари ингибитори ёки волчанка антикоагулянтини текшириш орттирилган коагулопатияларни истисно қилиш учун ўта муҳим эканлиги исботланган;

гемостаз тизимида бузилишлар бўлган беморларни клиник кўриқдан ўтказиш ҳамда наслий коагулопатияларни диспансер назоратига олишда тиббий ҳужжатларни тизимлаштириш ва поликлиника ҳамда шифохона ўртасидаги узлуксиз боғлиқликни таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизими

амалиётига кам учрайдиган ирсий коагулопатиялар ҳақидаги маълумотлар автоматлаштирилган регистрдан фойдаланиш зарур эканлиги исботланган;

беморларнинг ёши, касалликнинг оғирлигига қараб учраш сонини башорат қилиш учун “Башорат шкаласи” ишлаб чиқилган, бу эса ушбу беморларни клиник текширилиши сифатини ошириши исботланган;

беморда гемостаз тизимида бузилишлар бўлмаган ҳолда, гематомалар бўлиши, киндик тизимчасидан қон кетиши ёки бош мияга массив, спонтан қон қуюлиши мавжудлиги ҳолатларида, XIII омил етишмовчилигини истисно қилиш мақсадида, уни текшириш талаб қилиниши исботланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги

ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор, биокимёвий, коагулологик ва статистик статистик таҳлил усуллар ёрдамида кам учрайдиган коагулопатиялар билан хасталанган беморларнинг клиник-лаборатор ва коагулологик жиҳатларини башоратлашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Клиник амалиётда тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиниши кам учрайдиган коагулопатиялар билан оғриган беморларда ташҳислаш чораларини ва касалликнинг асоратларини олдини олиш самарадорлигини сезиларли даражада ошишига олиб келади. Бу эса касалликни ўз вақтида аниқланиб, беморларни рўйхатга олиниши ва барвақт даво чоралари қўлланилиши натижасида беморлар орасида ўлим ва ногиронлик кўрсаткичининг камайиши, ҳамда уларнинг турмуш тарзини яхшиланишига олиб келиши билан изоҳланади.

Соғлиқни сақлаш тизими учун амалиётда кам учрайдиган коагулопатиялар билан оғриган беморларни эрта аниқлаш, асосий турларини верификация қилиш учун скрининг диагностикаси ишлаб чиқилди. Скрининг диагностика тизимидан фойдаланиш гемостаз бузилишларини ўз вақтида текшириш ва даволаш, асоратларни камайтириш, ногиронлик ва эрта ўлимни камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш давлат учун лаборатория ва дори воситалари ҳажмини режалаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Диссертация иши натижаларини Республика тиббиёт муассасалари клиник амалиётига жорий этилиши ушбу тоифадаги беморларни ўз вақтида аниқлаш, диспансер назоратига олиш, эрта ташҳис қўйиш, комплекс текшириш, босқичма-босқич даволаш ва асоратларни олдини олиш жараёнларини сезиларли даражада мувофиқлаштириш билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт Кенгашининг 2023 йил 30 мартдаги 3/1-сон хулосасига кўра:

Ўзбекистонда гематологик беморларда турли ташхислаш ва дифференциал терапия усулларини қўллашнинг илмий натижалари Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳамда Тошкент вилояти Бўка тумани кўп тармоқли марказий шифохонаси ва Сирдарё вилояти Гулистон тумани тиббиёт кластерида амалиётга жорий этилди. «Гемофилиянинг оғир тури билан оғриган беморларда VIII омил етишмовчилиги даражасини қон ивиш омиллари ўринбосар терапияси билан коррекция қилиш усуллари» номли услубий қўлланма (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 8 ноябридаги 8н-з/597-сонли хулосаси) амалиётга тадбиқ этилди. Кам учрайдиган коагулопатияларни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш асоратларни олдини олишга имкон беради, бу касалликнинг фенотипини назорат қилиш, артропатия ривожланишининг олдини олиш ва беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. Прогноз ва даволашга индивидуал ёндашиш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар ушбу беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ўлим ва ногиронлик даражасини пасайтириш, шунингдек, шифохонада қолиш муддатини қисқартириш ва даволаниш харажатларини камайтиришга ёрдам беради. Бунда йилига кам учрайдиган коагулопатиялар беморларнинг умумий сонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 64,4 фоизга иқтисодий самара беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланилиши: Жураева Нодира Тухтапулатовнанинг «Гемофилиянинг оғир тури билан оғриган беморларда VIII омил етишмовчилиги даражасини қон ивиш омиллари ўринбосар терапияси билан коррекция қилиш усуллари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2022 йил 30 октябрдаги 01-4/660-сонли хати юборилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этириш учун тавсия этган журналларда 36 илмий иш, шундан: 30 та илмий мақола (15 та хорижий, 15 та маҳаллий) ва 6 та тезис (3 та хорижий, 3 та маҳаллий) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, материаллар, тадқиқот усулларининг хусусиятлари ва натижалари, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мазкур

тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, унинг илмий натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ирсий қон ивиш патологиялари ҳақида замонавий тушунчалар»**, деб номланган биринчи боби тўртта бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бобида адабиётлар кўриб чиқилган. Кам учрайдиган коагулопатиялар этиологияси, эпидемиологияси, ривожланиш механизмлари, касалликнинг патогенезида коагуляцион омилларнинг ўрни, ҳамда замонавий ташҳис ва даволаш усуллари ёритилган. Шу билан бирга хулосада кам учрайдиган коагулопатияларни ташҳислашдаги ҳал этилмаган ёки ҳал этишни талаб этувчи масалаларни чуқурроқ ўрганиш муаммоларининг томонлари алоҳида келтириб ўтилган. Бобнинг қисқача мазмуни ушбу соҳадаги ҳал этилмаган муаммолар таҳлилини ўз ичига олади, бу эса олиб борилаётган илмий тадқиқотнинг долзарблигини асослайди.


Диссертациянинг **«Туғма қон ивиши патологияси билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи боби фойдаланилган материаллар, олиб борилган тадқиқотларнинг босқичлари ва фойдаланилган усулларига бағишланган. Ушбу диссертация гемостаз тизимини коагулологик таҳлил қилиш ва қон ивиш омилларини ўрганиш орқали, унинг ҳолатини таҳлили ҳамда клиник-лаборатор тадқиқотни ўтказиш орқали кам учрайдиган коагулопатиялар турини аниқлашга асосланган.

Клиник тадқиқот Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказига 2016 йилдан 2023 йил августгача бўлган даврда мурожат қилган ва диспансер назоратида турган кам учрайдиган коагулопатиялар билан оғриган беморлар орасида ўтказилган. Беморлар коагулограммадаги ўзгаришлар, яъни АПТВнинг узайиши, ПТИнинг пасайиши, ТВнинг узайиши, фибриноген миқдорининг камайиши, II, V, VII, VIII, IX, X, XI, XII, XIII, фон Виллебранд омилларининг турли даражада камайиши, шунингдек турли даражадаги қон кетиши мавжуд бўлган беморлар танлаб олинган. Асосий гуруҳда 107 нафар беморлар нисбатан кам учрайдиган КУИК бўлиб, 87 нафари (78,5%) моноген, 12 нафари (11,2%) витамин Кга алоқадор омиллар етишмовчилиги, 8 нафари парагемофилия (V+VIII-7,5%), 3 нафари (VIII+IX -2,8%) комбинациялашган етишмовчилиги аниқланган. 0-55 ёшгача бўлган 107 нафар беморларнинг ўртача ёши $25,3 \pm 2,1$ йилни ташкил қилган. Шунингдек РИГИАТМга бурун қонаши ва бошқа геморрагик ҳолатлар мавжуд бўлган, лекин гемостазда патологик ўзгаришлар бўлмаган 20 та амалий соғлом шахслар назорат гуруҳига танлаб олинган. Назорат гуруҳидаги беморларни ўртача ёши $35,5 \pm 2,7$ йилни ташкил қилган.

Гемостазиологик текширувлар Sysmex-CA 660 (Япония) турдаги дастурлаштирилган коагулометр, ҳамда Siemens (Германия) реагентлари ёрдамида амалга оширилган. Ушбу анализатор фибрин лахтаси шаклланиши вақтини қайд этиш асосида ишлайди. Қурилма қон ивиш тизимининг 30 та параметрларини аниқлаш хусусиятига эга бўлган.

Тадқиқот даври якунлангандан кейин олинган маълумотлар статистик қайта ишлашни ўтказиш учун Excel (Statistica 5.0 for Windows) муҳаррирлик жадвалига киритилган. Ҳар бир параметрни статистик таҳлил қилишда қуйидаги асосий тавсифлар ҳисобланган: ўртача, ўртача квадратик оғиш, ўртача статистик ишончлилик. Гуруҳлар ўртасидаги натижалар ишончилигини баҳолашда Стъюдент мезонлари қўлланилган. Натижалар $p < 0,05$ бўлганда ишончли деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда кам учрайдиган коагулопатия билан оғриган беморларни клиник-лаборатор текширувлари» деб номланган учинчи бобида кам учрайдиган коагулопатияларни ривожланишини шаклланишида коагуляция омилларининг умумий таҳлили кўрсаткичлари аҳамиятини объектив баҳолаш таҳлил қилинган. Тадқиқотимизнинг босқичларидан бири Ўзбекистонда кам учрайдиган коагулопатияларнинг кечишининг клиник хусусиятларини ўрганиш бўлган. Ушбу босқични амалга ошириш учун 2018-2023 йиллар давомида касаллик аниқланган 107 нафар беморнинг клиник текшируви ўтказилган. Кенг қамровли текширув натижаларига кўра ушбу беморларда кам учрайдиган коагулопатия аниқланиб тасдиқланган. Шундан касалликнинг тури бўйича: 33 (30,8%) VII омил етишмовчилиги, 17 (15,9%) XI омил етишмовчилиги, 15 (14%) I омил етишмовчилиги, 13 (12%) X омил етишмовчилиги, 12 (11,2%) витамин Кга алоқадор омиллари етишмовчилиги, 8 (7,5%) V+VIII комбинациялашган омиллари етишмовчилиги, 4 (3,7%) беморда V омил етишмовчилиги, шунингдек, 2 (1,9%) II омил етишмовчилиги ва 3 (2,8%) IX + VIII комбинациялашган омиллари етишмовчилиги 3 (2,8%) аниқланган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон республикасида кам учрайдиган ирсий коагулопатияларнинг турлар бўйича аниқланганлиги (%).

Ўзбекистон Республикасида кам учрайдиган ирсий коагулопатияларнинг қайд этилиш сони ўрганилган. Ҳозирги кунда республикада кам


учрайдиган коагулопатиялар билан оғриганларнинг умумий сони 2302 та беморни ташкил қилган. Шундан гемофилия А-1661, фон Виллебранд касаллиги -328, гемофилия В -205, гипопроконвертинемия-33, гемофилия С-17, Стюарт-Прауэр касаллиги - 13, витамин Кга алоқадор омиллар етишмовчилиги -12, афибриногенемия - 10, гипофибриногенемия - 5, парагемофилия-8, гипопроакцелиринемия-4, комбинациялашган VIII+IX-3, гипопротромбинемия-2 (1-жадвал) ҳолларда аниқ.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кам учрайдиган ирсий коагулопатияларнинг йиллар бўйича аниқланиши(n=2302)


Кам учрайдиган коагулопатиялар	2019	2020	2021	2022	2023
I	5	8	11	13	15
II	2	2	2	2	2
V	3	4	4	4	4
VII	19	21	25	28	33
VIII	1450	1566	1580	1637	1661
VIII+ V	4	1	2	1	8
VIII+ IX	1	2	3	3	3
IX	157	181	187	189	205
X	2	3	9	12	13
XI	13	14	14	14	17
VII+ II	2	2	2	2	2
V+ II	1	1	1	1	1
V+X, VII + X	1	1	1	1	2
IX+X, IX+II	1	1	1	1	2
IX+VII	1	3	3	3	3
IX+VII+II	1	1	1	1	1
IX +X+ II	1	1	1	1	1
FvW	156	167	257	297	328
Жами	1819	1978(159)	2101(123)	2208(107)	2302(92)

Кам учрайдиган ирсий коагулопатияларни ўрганиш ва таҳлил қилишда йиллар бўйича аниқланиши (2020-2023) куйидагини ташкил қилган: 2020 йил 33%, 2021 йил 26%, 2022 йил 22%, 2023йил 19% (2-расм).



2-расм. Кам учрайдиган ирсий коагулопатияларнинг йиллар бўйича аниқланиши (%).

Кам учрайдиган ирсий коагулопатияларда геморрагик синдромнинг жойлашиши (n=107) ўрганилган. Бизнинг тадқиқотимизда кам учрайдиган коагулопатиялар билан оғриган 107 нафар беморлар умумий коагулопатиянинг 5,52%ни ташкил қилди. Унинг асосий қисмини эркаклар 68% (73нафар)ни, аёллар эса 32% (34нафар)ни ташкил этди. Эркаклар ва аёллар нисбати 1:2,1., адабиётлар маълумотларига кўра ушбу касаллик эркаклар орасида кўпроқ тарқалган. Симптомларнинг пайдо бўлиш вақти беморлар ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб 55 ёшгача аниқланган. Дефицит омилнинг фаоллиги минимал 1%дан кам, энг юқори фаоллик даражаси 48%ни ташкил этди. Беморларда тери геморрагик синдром 32 (25,2%), бурундан қон кетиши 28 (22,0%), оғиз шиллик қаватларидан қон кетиши 11 (8,7%), тиш олингандан кейинги қон кетишлар 18 (14,2%), кичик яра ва кесикларидан қон кетиши 20 (15,7%), гемартроз 5 (3,9%), жарроҳлик амалиётидан кейинги қон кетишлар 4 (3,2%), бошқа қон кетишлар 6 (4,7%), меноррагия эса 3 (2,4%)ни ташкил қилди (3-расм).



3-расм. Геморрагик синдромнинг намоён бўлиши, (n=107)

Кам учрайдиган ирсий коагулопатияларнинг ёшлар бўйича ўрганилганда 0 дан 4 ёшгача 23 нафар бемор - 21,5%, 5-13 ёшгача 39 нафар бемор - (36,4%), 14-18 ёшгача 16 нафар бемор-15%, 19-44 ёшгача 20 нафар бемор- 18% ҳамда 45-60 ёшгача 9 нафар бемор - 8,4% ни ташкил этди (2-жадвал).


2-жадвал

Кам учрайдиган коагулопатияларнинг ёшлар бўйича аниқланиши (n=107)

Кам учрайдиган коагулопатиялар ёшлар бўйича тақсимланиши	0-4	5-13	14-18	19-44	45-60
I	5(21,7%)	5(12,8%)	3(18,8%)	1(4,8%)	1(11,1%)
II	0	2(4,9%)	0	0	0
V	0	2(4,9%)	2(12,5%)	0	0
VII	4(17,5%)	11(29,3%)	6(37,4%)	8(38,1%)	0

VIII+ V	2(8,7%)	3(7,3%)	1(6,3%)	2(9,5%)	0
X	5(21,7%)	4(9,8%)	1(6,3%)	6(28,6%)	1(11,1%)
XI	3(13,0%)	3(7,3%)	1(6,3%)	3(14,3%)	7(77,8%)
VIII+IX	1(4,4%)	2(4,9%)	0	0	0
K витаминга алоқадор	3(13,0%)	6(14,5%)	2(12,5%)	1(4,8%)	0
Жами 107	23(21,5%)	39(36,4%)	16(15,0%)	20(18,7%)	9(8,4%)

Кам учрайдиган ирсий коагулопатияларнинг ҳудудлар бўйича аниқланганда уларнинг умумий сонининг 31,3 %ини Тошкент шаҳри ва Тошкент тумани аҳолиси, қолган 68,7 % ни Республиканинг бошқа вилоятлари аҳолиси ташкил қилди. Шундан Самарқанд вилояти -11,3 %, Фарғона вилояти – 8,4 %, Қашқадарё вилояти – 8,3%, Андижон вилояти - 7,4%, Наманган ва Жиззах вилоятлари - 7,0% дан, Бухоро вилояти -5,2%, Қорақалпоғистон (Нукус) - 5,1%, Хоразм - 4,7%, Сурхондарё – 4,5%, Сирдарё – 3,9%, Навоий – 2,9% га тўғри келди (4-расм).



4-расм. Кам учрайдиган коагулопатияларнинг ҳудудлар бўйича аниқланиши

Кам учрайдиган ирсий коагулопатияларнинг оғирлик даражасига кўра тақсимланиши ўрганилди ва улар қуйидагича тақсимланди: 15 нафар фибриноген етишмовчилиги билан оғриган беморларнинг 3 нафарида энгил, 2 нафарида ўрта оғир ва 10 нафарида оғир тури аниқланди. Протромбин етишмовчилиги билан оғриган 2 нафар беморнинг 1 нафари ўртача оғир, 1 нафари касалликнинг оғир тури билан оғриган. Проконвертин етишмовчилиги билан оғриган 33 нафар беморнинг 8 нафари энгил, 12 нафари ўртача оғир, 13 нафари оғир турини ташкил қилган. 1661 Гемофилия А билан оғриган беморларнинг 563 нафари энгил, 399 нафари ўрта оғир, 699 нафари оғир тури аниқланди. 205 нафар Гемофилия В билан оғриган беморларнинг 87 нафари энгил, 64 нафари ўрта оғир, 54 нафари оғир турини ташкил қилди. 13 нафар X омил етишмовчилигининг 5 нафари энгил, 3 нафари ўрта оғир ва 5 нафарида оғир шакли ташхисланди. 17 нафар Гемофилия С билан оғриганларнинг 3 нафари энгил, 5 нафари ўрта оғир, 9

нафари оғир турини ташкил қилди. Виллебранд касаллиги билан оғриган 328 нафар беморнинг 94 нафари энгил, 106 нафарида ўрта оғир, 128 оғир шакли аниқланди. Комбинациялашган омиллар етишмовчилиги билан оғриган 15 нафар беморларнинг 5 нафари энгил, 6 нафари ўрта оғир, 4 нафари оғир тури, ҳамда 8 нафар парагемофилия билан оғриганларнинг 1 нафари энгил, 5 нафари ўрта оғир, 2 нафари оғир турини ташкил қилди (3-жадвал). 2302 нафар беморларнинг 925 нафарини касалликнинг оғир тури, 760 нафари унинг энгил ҳамда 616 нафари ўрта оғир туридан иборат бўлди.

3-жадвал

Кам учрайдиган коагулопатияларнинг оғирлик даражасига кўра тақсимланиши

Кам учрайдиган коагулопатиялар оғирлик даражасига қараб тақсимланиши	Энгил даражаси	Ўрта оғир даражаси	Оғир даражаси
I	3	2	10
II	0	1	1
V	1	1	2
VII	8	12	13
VIII	553	389	697
VIII+ V	1	5	2
IX	87	64	54
X	5	3	5
XI	3	5	9
Комбинацияланган омиллар етишмовчилиги	5	6	4
FvW	94	106	128
Жами	760	616	925

Кам учрайдиган ирсий коагулопатиялар ривожланишида коагуляцион хавф омиллари аниқланган ва беморлардаги гемастазиологик кўрсаткичлар ҳамда қон ивиш омиллари миқдори (I, II, V, VII, X, XI), (n=107), ҳамда назорат гуруҳи (n=20), 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал


Кам учрайдиган ирсий коагулопатиялар ва назорат гуруҳидаги беморларда гемостаз кўрсаткичларининг ўртача қиймати (M±m)

Коагулограмма кўрсаткичлари	Кам учрайдиган коагулопатиялар билан оғриган беморлар (n=107)							
	Афириноген емия	Гипофирино генемия	II омил етишмаслиги	V омил етишмаслиги	VII омил етишмаслиги	X омил етишмаслиги	XI омил етишмаслиги	Назорат гуруҳи (n=20)
Фаоллашган қисман тромбопластин вақти	Коагуляция йўқ*	54,32±3,8*	32,78±3,16	47,12±2,45*	28,67±3,10	33,05±5,91	93,05±10,34*	26,78±3,16

Протромбин индекси, %	Коагуляция йўқ*	46,82±4,91*	23,89±1,40*	38,56±1,42*	24,98±1,54*	11,62±1,74*	104,98±1,74	114,55±1,98	
Тромбин вақти, с	Коагуляция йўқ*	33,89±6,74*	16,6±0,28	14,8±0,23	15,9±0,32	16,7±0,47	14,7±0,41	13,7±0,57	
Фибриноген	Коагуляция йўқ*	0,91±1,33*	2,89±0,30	3,56±0,16	2,76±0,34	4,38±0,59	3,56±0,16	3,56±0,16	
II - омил, %		107,15±2,87	101,25±3,13	12,08±0,78%*	125,76±2,56%	114,47±3,96%	117,15±2,57%	103,15±1,56%	122,15±2,66%
V - омил, %		102,48±1,88%	114,5±1,67	108±6,48%	15,2±3,32%*	118,12±4,46%*	125,12±6,48%	107,15±3,32%	111,45±3,55%
VII-омил, %		115,42±1,41%	97,15±2,33	102±1,42%	115,32±2,56%	11,12±2,69%*	97,55±3,52%	116,15±2,17%	132,15±2,55%
X - омил, %		106,13±3,89%	134,15±2,53	128±2,28%	105,3±0,56%	148,1±4,46%	9,55±2,84%*	112,5±2,57%	121,15±1,52%
XI-омил, %		107,22±2,33%	123,15±2,74	95,32±0,55%	135,5±2,6%	126,2±0,78%	87,15±2,57%	7,28±0,56%*	107,15±2,87


Изоҳ: *-p<0,01; * -p<0,001-коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари орасидаги ишонччилик

15 нафар фибриноген етишмовчилиги бўлган беморларнинг хусусиятлари ўрганилганда уларнинг 10 тасида афибриногенемия (8 нафар эркак, 2 нафар аёл), 5 нафарида гипофибриногенемия (барчаси эркак) аниқланди. Симптомларнинг пайдо бўлиши беморлар ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб 47 ёшигача лаборатор кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланмагунча ўзгарди. Танқислик омилининг минимал концентрацияси 0 г /л, максимал концентрацияси 1,5 г /л ни ташкил этди (5-расм).




5-расм. Фибриноген етишмовчилигининг ёш, жинс ва оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши (n=15)

II-омил етишмовчилиги бўлган беморларнинг хусусиятлари ўрганилди. Гипопротромбинемия 2 нафар беморда аниқланди, бу кам учрайдиган коагулопатиянинг умумий сонининг 1,9% ни ташкил қилди. Тадқиқотлар натижасида гипопротромбинемия фақат эркакларда аниқланди. Симптомларнинг пайдо бўлиши беморлар ҳаётининг бешинчи йилидан бошлаб 13 ёшгача лаборатор кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланмагунча ўзгарди. Дефицит омилнинг минимал концентрацияси 1%, максимал концентрацияси 18% ни ташкил этди (6-расм).




6-расм. Протромбин етишмовчилигининг ёш, жинс ва оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши

V-омил етишмовчилиги бўлган беморларнинг хусусиятлари ўрганилганда гипопроакцелеринемия 4 нафар беморда аниқланди ва бу кам учрайдиган коагулопатиянинг умумий сонининг 3,8%ни ташкил қилди. Тадқиқотлар натижасида гипопроакцелеринемия 3 (75,0%) нафар эркакда ва 1 (25,0%) нафар аёлда аниқланди. Симптомларнинг пайдо бўлиши беморлар ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб 32 ёшигача лаборатор кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланмагунча ўзгарди. Дефицит омилнинг минимал концентрацияси 2%, максимал концентрацияси 12% ни ташкил этди (7-расм).




7-расм. Проакцелерин етишмовчилигининг ёш, жинс ва оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши

VII-омил етишмовчилиги бўлган беморларнинг хусусиятлари ўрганилганда гипопроконвертинемия 33 нафар беморда тасдиқланди, бу умумий коагулопатиянинг 30,8%ини ташкил қилди. Гипопроконвертинемиянинг 19 нафарини эркаклар (57,8%) ва 14 нафарини (42,2%) аёллар ташкил қилди. Проконвертин етишмовчилигининг ёш ва оғирлик даражаси бўйича тақсимлаганимизда улардан 8 нафари 0-4 ёшгача (24,2%), 20 нафари - 5-13 ёшгача (60,6), 2 нафари 14-18 ёшгача (6,1), 3 нафари 19-44 ёшгача (9,1%) эканлиги тасдиқланди (8-расм).




8-расм. Проконвертин етишмовчилигининг ёш, жинс ва оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши

X-омил етишмовчилиги бўлган беморларнинг хусусиятлари ўрганилганда Стюарт-Прауэр касаллиги 13 нафар беморда аниқланиб, умумий коагулопатиянинг 12,0%ни ташкил қилди. Ушбу беморларнинг 8 нафари (61,5%) эркаклардан, 5 нафари (38,5%) аёллардан иборат бўлиб, симптомларнинг пайдо бўлиши беморлар ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб 45 ёшигача лаборатор кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланмагунча давом этди. Дефицит омилнинг минимал концентрацияси 3%, максимал концентрацияси 28% ни ташкил қилди. X-омил етишмовчилиги бўлган беморларни ёш ва оғирлик даражаси бўйича тақсимлаганимизда улардан 4 (30,8%) нафари 0-4 ёшгача, 4 (30,8%) нафари - 5-13 ёшгача, 4 (30,8%) нафари 14-18 ёшгача, 1 (7,6%) нафари 45-60 ёшгача эканлиги аниқланди (9-расм).



9-расм. X омил етишмовчилигининг ёш, жинс ва оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши

XI-омил етишмовчилиги бўлган беморларнинг хусусиятлари ўрганилганда гемофилия C 17 нафар беморда аниқланиб, умумий коагулопатиянинг 15,9% ини ташкил қилиб, унинг 12 (76%) нафари эркаклардан, ҳамда 5 (24%) нафари аёллардан иборат. Симптомларнинг пайдо бўлиши беморлар ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб 45 ёшигача лаборатор кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланмагунча кузатилди. Дефицит омилнинг минимал концентрацияси <1%, максимал концентрацияси 32% ни ташкил этди. XI-омил етишмовчилиги бўлган беморларни ёш ва оғирлик даражаси бўйича тақсимлаганимизда улардан 4 (26,2%) нафари 0-4 ёшгача, 6 (40,0%) нафари - 5-13 ёшгача, 4 (26,2%) нафари 14-18 ёшгача, 2 (26,2%) 19-44 ёшгача, 1 (7,6%) нафари 45-60 ёшгачани бўлганлар ташкил қилди (10-расм).



10-расм. XI омил етишмовчилигининг ёш, жинс ва оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши

V+VIII комбинациялашган омиллар етишмовчилиги бўлган беморларнинг хусусиятлари ўрганилди. Парагемофилия 8 нафар беморда аниқланиб, умумий коагулопатиянинг 7,5% ини ташкил қилди ва уларнинг 6 (75%) нафари эркаклардан, ҳамда 2 (25%) нафари аёллардан иборат. Симптомларнинг пайдо бўлиши беморлар ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб 45 ёшигача лаборатор кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланмагунча қайд этилди. Дефицит омилнинг минимал концентрацияси <1%, максимал концентрацияси 32% ни ташкил этди. XI-омил етишмовчилиги бўлган беморларни ёш ва оғирлик даражаси бўйича тақсимлаганимизда улардан 5 (62,5%) нафари - 5-13 ёшгача, 1 (12,5%) нафари 14-18 ёшгача, 2 (25,0%) 19-44 ёшгача эканлиги аниқланди (11-расм).



